



«Хатми сагир» аслида «Кичик хатм» дегани бўлиб, у «Хатми кабир», яъни Куръонни тўлик ўкиб чиқишнинг мукобили ўларок ишлатилади. Ушбу амалнинг бундай номланиши Ихлос сураси Куръоннинг учдан бирига тўғри келиши хақидаги хадисдан келиб чиқиб, ушбу сурани уч марта ўқиш кичик хатм бўлади, деган умидга асосланган.

Хатми сагирда уч марта Ихлос сураси, кейин Фалак ва ан-Нас суралари, сўнгра Фотиha сураси ва Бакаранинг аввалги беш ояти ўкилади. Ихлос сурасини уч марта такрорлашни хисобга олмаганда, ушбу амал хадисларда келган.

«Бир одам: «Эй Аллохнинг Расули, кайси амал Аллохга энг махбуб?» деди. «**Тушиши билан кайта жўнайдиган**» дедилар. «Тушиши билан кайта жўнайдиган нима дегани?» деди. «**Куръонни аввалидан охиригача ўкиб келиб, тушиши билан яна бошдан жўнаб кетадиган**» дедилар».

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят ки-линади:

«Бир одам: «Эй Аллохнинг Расули, кайси амал Аллохга энг махбуб?» деди. «**Тушиши билан кайта жўнайдиган**» дедилар. «Тушиши билан кайта жўнайдиган нима дегани?» деди. «**Куръонни аввалидан охиригача ўкиб келиб, тушиши билан яна бошдан жўнаб кетадиган**» дедилар».

Термизий, Хоким ва Доримий ривоят килишган.

Бу хадисда Куръонни хатм килиб юрувчи киши бир манзилга кўниб, яна йўлда давом этадиган мусофирга, сайёҳга ўхшатиш ва бу Аллохга энг махбуб амаллардан экани уктирилган. Бундан Куръонни хатм килган киши янги хатм бошлаб кўйиши мустахаблиги келиб чиқади. Аммо бу ерда янги хатмдан канча ўкиш хакида ҳеч гап айтилмаган. Бу ҳақда имом Жазарий ўзининг «Ан-нашр фил кироати ал-ъашр» катобида «Куръони Азимни хатм килишга тааллуқли ишлар хакида»ги фаслда куйидагиларни ёзади:

«Жумладан, Ибн Касирдан насс келганки, у Баззий, Кунбул ва бошкаларнинг ривояти асосида хатм сўнгида ан-Нас сурасига келгач, Фотиха сурасини ва Бакара сурасидан кўфаликлар саногига кўра беш оят – «муфлихуун» гача ўкиб кўяр экан. Зеро, мана шу **«Т ушиши билан кайта жўнайдиган»**, деб аталади.

Хофиз Абу Амр: «Ибн Касирнинг ушбу иши хусусида ривоят килинган маъсур далиллар бор бўлиб, бунинг асли Набий соллаллоху алайхи васалламга, сахоба, тобеин ва улардан кейингилардан келган кенг таркалган машхур хабарларга бориб етади», деган».

Кейин имом Жазарий ушбу амални ўзининг ва бошка кироат имомларининг санадлари оркали Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят килади. Унга кўра, Убай ибн Каъб (розияллоху анху) Абдуллох ибн Аббос (розияллоху анхумо)га Куръондан таълим бера туриб, Ибн Аббос (розияллоху анху) Куръонни хатм килиб бераётганида: «Ал-хамду»дан ва «Бакара»нинг беш оятидан бошлаб ўкиб кўй. Набий соллаллоху алайхи васаллам менга ҳам у Зотга хатм килиб берганимда худди шундай килдирганлар», деб айтган.

Мана шундан келиб чикиб, уламолар Куръонни хатм килган киши ан-Нас сурасини ўкиб бўлгач, янги хатм хисобида энг камида Фотиха сураси ва Бакаранинг аввалги беш оятини ўкиб кўйишни мустахаб санаганлар ва бу амал мусулмонлар ўртасида кенг таркалган.

Энди ушбу жараёнда Ихлос сурасини уч марта такрорлаб хатми сагир килишга келсак, бу ҳам аслида Куръонни хатм килишда жорий этилган. Бу борада имом Мухаммад ибн Жазарий мазкур асарида кимматли маълумотларни келтирган. Унга кўра, бу шаклда хатми сагир килиш аввалги уламолар ва жумхур корилар одатида бўлмаган. Кози Харавоний номи билан машхур бўлган, ханафий мазхабининг йирик намояндаларидан, кироат илми олимларидан бири, Кўфа козиси Абу Абдуллох Мухаммад ибн Абдуллох Жуъфий (вафоти: х. 402 сана) биринчи бўлиб Куръонни хатм килишда Ихлос сурасини уч марта ўқишни жорий килган. У киши ўз устози Аъшодан ривоят килган кироатини таълим беришда шундай ўргатар эди. Аммо бу ишни Аъшонинг бошка шогирдлари килмас эди. Шундан келиб чикиб, уламолар мазкур амални Харавонийнинг ижтиходи дейишади. Бунда у Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг **«Кул хуваллооху ахад» Куръоннинг учдан бирига тўгри келади»**

, деган хадисларига таяниб, хатми Куръондаги камчиликларга каффорот, бадал бўлади, деган ниятни килган. Бу амал Харавонийнинг илмий манзилати ва таргиби сабабли мусулмонлар ўртасида, хусусан, ханафийлар орасида кенг таркалиб кетган. Чунки Кози Харавоний хакида ўз замондошлари: «Кўфада Ибн Масъуд (розияллоху анху)дан кейин

Кози Харавонийгача ундан факих одам бўлмаган», дейишар эди.

Имом Жазарий Куръон таълимида бундай килиш салафи солихларда бўлмаганини, ўзи хам мўътабар кироат шайхларидан олган таълимида бу иш йўклигини айтиб, Куръон таълимида бундай килмаган яхши, афзали олдинги устозларнинг йўсинлари, деган хулосага келади. Аммо оддий хатм килганда Кози Харавонийнинг ижтиходлари асосида Ихлос сурасини уч бора ўкиб кўйишнинг зарари йўк, биздаги Куръон устозлари шундай таълим беришган ва буни мустахаб санашган. Бирок буни шаръий вожиб ё суннат даражасига олиб чикмаслик керак.

Энди намозда хатм килганда Ихлос сурасини уч марта такрорлашга келсак, фикх китобларимиздан маълумки, аслида бир намозда бир сурани такрорлаш макрух. Имом Молик рахматуллохи алайх хоссатан Ихлос сурасини бир ракъатда такрорлашни макрух санаган ва буни одамлар янги ўйлаб топган ишлардан, деб айтган. У киши: «Бундай килиш одамларнинг **«Кул хуваллооху ахад» Куръоннинг учдан бирига тўғри келади**», деган хадисни нотўғри тушунишига, талкин килишларига сабаб бўлади», дейди. Ўша вақтда айрим кишилар мазкур хадисдан ўзларича хулоса чиқариб, бир ракъатда хатм килган даражасига эришишни кўзлаб шундай килишган экан. Аслида эса хадисда суранинг фазли айтилган, холос, «Уч марта ўкисанг, хатм бўлади», деган маъно айтилмаган, дейди уламолар.

Намозда хатм килганда, таровехларда Ихлос сурасини уч бора ўкиш хакида ханафий мазхабининг айрим мутааххир уламолари сўз юритганлар.

«Фатовои хиндия»да шундай дейилади:

«Хатм сўнгида Ихлос сурасини уч марта ўкишни баъзи машойихлар яхши санашмаган. Бирок аксар машойихлар кироатдаги айрим нуксонларни тўлдириш учун уни яхши иш деб хисоблашган. Факат Куръонни фарз намозда хатм киладиган бўлса, биттадан оширмайди».

Ашраф Алий Тахонавий рахматуллохи алайх «Имдодул фатово»да ушбу мавзуга тўхталиб, жумладан, шундай дейди:

«Фатовои оламгирия»да («Фатовои хиндия» асарининг яна бир номи) «Нафл намозларда бир сурани такрор ўқиш макрух эмас», дейилган бўлиб, давомида «Ўлгиз ўзи ўқийдиган кишига», деб қайдлаб қўйилган. Бундан маълум бўладики, нафл намозларда сурани такрор ўқиш макрух эмас ва бу ўлгиз ўқувчи учундир. Аммо таровех намози фарзлар каби жамоат билан адо этилгани боис бу борада унинг ҳукми фарзнинг ҳукми каби бўлади. Демак, таровехларда ҳам фарзлардаги каби, бир сурани такрорлаш макрухдир. Бундан ташқари, Ихлос сурасини уч марта ўқиш қорилар ўртасида одатга айланиб қолган. Бу эса илтизом ҳисобланади. Биринчи далилимиз макрухи танзихийни такозо қилса, иккинчисига қўра бу иш макрухи таҳримий ҳисобланади».

«Илтизом» бир нарсани ўзига лозим қилиб олиш деган маънони билдириб, шаръий истилоҳда кишининг шариат лозим қилмаган ишни ўзига лозим тутиб олиши, ҳар доим қилиш керак деб билиши ва қилиши, натижада одамлар шу ишни шаръий талаб деб тушуниб қолишига айтилади. Бу макрухи таҳримий, ҳаром даражасидаги макрух ишдир, чунки бунда динга қўшимча қиритиш бор.

Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳ айтмоқчики, таровехнинг қўринишда фарз каби мақомга эга экани инобатга олинса, унда бир рақъатда бир сурани такрорлаш танзихий макрух бўлади. Аммо уни қорилар илтизом қилиб олгани эътиборга олинса, бу иш таҳримий макрух бўлади.

Шуни айтиш лозимки, бу каби амалларда ҳар қим ўз устозидан олган таълимига қўра ҳам иш тутиши мумкин. Бунда шарт шуки, устоз шариат илмларида билимдон, ўз асосига эга, омонатдор, амалли ва айтаётган гапини ўзидан олдинги ана шундай етук устоздан нақл қилаётган бўлиши керак.

Таровехда хатм қилишда яна бир масала қўндаланг бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, хатмни тугатишда янги хатм бошлаб қўйиш суннат амал экан, тугатилаётган хатм билан янги хатмни бир шафъда, яъни икки рақатли намознинг икки рақъатида жамлаган яхшими ёки унинг ўзини алоҳида икки рақъатда ўқиган яхшими? Аниқроқ қилиб айтганда, охириги икки рақъатнинг биринчи рақъатига ан-Нас сурасигача ўқиб, иккинчи рақъатига Бақарадан ўқийдимми ёки Бақарадан қироат қиладиганини алоҳида икки рақъатда ўқийдимми?

Биз билган маълумотларга кўра, якин ўтмишдаги Куръон устозларидан хар икки услуб хам накл килинган. Мисол учун, Мухаммад Мубин кори дада янги хатм учун алохида икки ракъат ажратган бўлса, Рўзи Кори даданинг ўгли Абдулбокий Мухдум иккинчи йўсинда иш тутган ва буни устозларидан накл килган.

Биринчи услубнинг жоизлигида шубха йўк, чунки унда намознинг барча талаб ва одоблари адо топади, хеч кандай монелик йўк. Факат биринчи ракъатга Бакаранинг бошидан беш оят ўкиб, иккинчи ракъатга шуни давом эттириш афзал бўлади. Оятул-Курсийни, Бакаранинг сўнги оятларини ёки бошка оятларни териб ўкишнинг карохияти бор. Умумий фатво ва коидалар шуни кўрсатади. Айрим жойларда корилар бу борада хаддан ошиб, тўрт беш жойдан оятларни териб ўкиб колишади. Бу мутлако макрух иш. Факат бир суранинг боши ва охирини ажратиб ўкишни баъзилар жоиз санагани учун биринчи ракъатга Бакаранинг аввалги етти оятини, иккинчи ракъатга сўнги икки оятини ўкишни дуруст деб айтилади.

Энди иккинчи йўсин хакида сўз юритсак. Бу ҳақда «Фатовои хиндия»да шундай дейилади:

«Ким намозда Куръонни хатм килса, Фалак ва Ан-Нас сураларини тугатиб, рукуъга кетади ва иккинчи ракъатга туриб, Фотихани хамда Бакарадан маълум миқдорда кироат килади. Сўнг рукуъга кетади. «Хулоса»да шундай келган».

Демак, иккинчи усул хам жоиз экан. Бу борада хам хар бир кори ўз устозидан олган таълим асосида икки услубдан бирини танлаши мумкин.